

ЎЗЛИК

ҲАР МИЛЛАТ ЎЗ ТИЛИ ИЛА ФАХР ЭТАР

Бу сарлавҳанинг муаллифлик ҳуқуқи бизга эмас, жадид боболаримизга, тўғрироғи, ўша давр матбуотида ёниқ руҳдаги мақолалари билан фаол иштирок этган Саидризо Ализода бобомизга тегишли. “Ойна” журналининг 1914 йил 11-сонида босилган ушбу мақолада она тилга бефарқлик миллатга бефарқлик экани, унинг софлигини асраш нечоғлиқ муҳимлиги ҳақида сўз юритилган. Бу масала ўтган аср аввалида нақадар долзарб ҳисобланган бўлса, бугун ундан ҳам кўра кўпроқ эътиборни тақозо этади. 2023 йил 22 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги тарихий нутқида маънавият ва маърифатнинг барча жабҳалари қаторида ўзбек тили, унинг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, ёшларни миллий руҳда тарбиялаш заруратига алоҳида диққат қаратилгани бунинг исботидир.

Сир эмас, ниҳоятда мураккаб, зиддиятли ва таҳликали замонда яшапмиз. Дунёда мафкуравий таҳдидлар, ўзга давлатлар мустақиллигига, бошқа миллатлар озодлигига тажовуз ҳолатлари ҳар қачонгидан ҳам кучайиб бораётир. Миллий руҳиятни сўндиришга зимдан ҳаракатлар тобора авж олаётир. Мустамлака зулмини, эрксизлик укубатини ўз вужудида синая кўрган халқимиз, табиийки, бундай ҳолатларга бефарқ қараёлмайди. Эски замонни қўмсаётган кимсаларга эса жавобимиз тайин: чучварани хом санаб-сиз, ўзбекистон ўз мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир!

Миллий руҳият – миллат мавжудлиги ва тараққиётининг асоси. Ана шу руҳият уни бирлаштирувчи, мусибатлардан асрашга қодир тенгсиз манбадир. Миллий руҳни сақлаган халқни ҳеч ким енга олмайдди. Савол туғилади: бизда шу руҳ борми? Бўлса, етарли даражадами? Бунга эриша оламизми? Бу саволларга икки хил жавоб бериш мумкин: биринчиси, бизда миллий руҳ албатта бор ва ҳар қандай синовга дош бера олади. Иккинчиси, маълум ҳавотир ҳам йўқ эмас. Ҳар икки ҳолатга мисоллар келтириш мумкин. Энг аҳамиятлиси, бугунги кунда она тилимиз Давлатимиз раҳбари тимсолида дунё минбарларида янграётир. Президент Шавкат Мирзиёев ҳар доим БМТ минбарларида, халқаро ташкилотлар билан ўтказиладиган саммитларда, дунё давлатлари лидерлари билан учрашувларда фақат ва фақат ўзбек тилида сўзлашмоқда.

“Бўлар экан-ку... Жаҳон минбарларида оламшумул фикрларни, илғор ташаббусларни ўзбек тилида ифодалаш мумкин экан-ку...” – деган туйғу халқимиз дилида ифтихор, тилида шукрона ҳиссини кучайтиради, шаксиз.

Хавотир ҳиссига келсак, юқорида зикр этилган тарихий йиғилишда Президентимиз бунга алоҳида ургу берди. Ёшларимиз энг тараққий этган давлатларнинг нуфузли университетларига ўқишга юборилаётгани, бу йўлда маблағ аялмайганини таъкидлаган Юртбошимиз ўта бир жиддий саволни ўртага қўйди. Ёшларимиз ахборот технологиялари, математика ёки исталган ўзлари танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишига шубҳа йўқ. Лекин улар хорижий давлатда ўқишни битирган, юртимизга ўзбек бўлиб қайтадилми? Ҳақиқатан, бу – энг муҳим, эътибор қаратмас бўлмайдиган масаладир. Ҳар биримиз бу ҳақда жиддий ўйлашимиз, ёш авлод қалбиде миллий руҳиятни кучайтиришга жидду жад қилмоғимиз шарт ва зарур. Лекин одамни ташвишга соладиган яна бир фикр бор: нима учун токи Президент эътибор бермагунча, жим юрамиз? Ахир бу миллат ойдинларини ўйлантириши, уйқусини қочирши, ҳаловатини ўғирлаши керак бўлган муҳимдан ҳам

муҳим масала эмасми? Ҳолбуки, жадидларимиз айни шу туйғу – миллат ва миллият учун куйинган, қурашган, шу муқаддас йўлда қурбон бўлган эди-ку... Нимага биз лоқайдмиз? Нега эркимизга даҳл қилмоқчи бўлсалар ҳам, ёшларимизнинг онгу шуурини захарласалар ҳам этимиз чатнамайдими?!

Тошкент жадидларининг ёрқин намоёндаларидан бири Тулаган Тавалло ўз даврида миллият туйғусини ўйлаб, кўнглидан кечган изтиробларини мана бундай ифодалаган эди:

**Ҳама ўз бошига оёвора, миллатга назар қилмас,
Миллият ҳислари бизда кўринг миқдор ўйх,
ўйх, ўйх.**

Ҳолбуки, бу сатрлар жадидларимиз Ватан ва миллат тараққийси йўлига бутун салоҳиятини, керак бўлса, мол-кичию жонини ҳам бағишлаётган бир замонда ёзилган эди... Энди-чи, энди лоқайдликни, ўзибўларчиликни қандай оқлаш мумкин?!

Давлатимиз раҳбари нутқида она тилимиз равнақи ва уни ўқитиш масалаларига алоҳида диққат қаратилгани барчани қувонтирди. Бизда чет тиллари бўйича халқаро сертификат олган мутахассисларга устама ҳақ тўланарди. Лекин ўзбек тили бўйича бундай имтиёз бўлган эмас. “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчилари ҳам халқаро сертификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган кўшимча ҳақ билан таъминланиши керак. Бу, албатта, адолатдан бўлади”, – деди Президент. Келгуси укув йилидан бошлаб миллий сертификатга эга “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчилари 50 фоиз устама олиши белгилангани она тили таълими сифати ошишига хизмат қилиши аниқ. Бу ерда гап манфаатдорликдагина эмас, миллий тилга кўрсатилаётган эътиборда ва рағбатда эканини таъкидлаш жоиз.

Бошқа тилларда таълим олган юртдошларимизнинг давлат тилини ўрганишга бўлган қизқишини кучайтириш – тилимиз нуфузини оширишнинг муҳим шартларидан бири. Ушбу тоифадаги юртдошларимиз махсус сертификатга эга бўлса, ўқиш харажатлари давлат томонидан қоплаб берилиши она тилимизга бўлган эътиборни янада кучайтириши шубҳасиз. Бошқа тилларни ўқитишга ихтисослашган мактабларда ўзбек тилининг ўқитиш соатлари кўпайтирилиши тилимиз равнақи йўлидаги яна бир муҳим қадам сифатида баҳолашнига лойиқ.

Фан олимпиадалари ёшларга катта рағбат бериши

аён. Ўзбек тили бўйича халқаро (!) фан олимпиадалари ўтказилиши, голиб ва совриндорлар пул мукофоти билан тақдирланиши ва ўзбек филологияси йўналишига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши шу пайтгача кўрилмаган ҳол эди. Юртбошимизнинг бу борадаги ташаббуслари давлат тилини ривожлантириш концептуал масала даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Хорижий тилларни билиш нечоғлиқ муҳим экани аён. Маърифатларвар шоиримиз Аваз Утар мана бу сўзларни бежиз ёзмагани ҳам маълум:

**Ҳар тилни билув эмди бани Одама жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндур.
Ғайри тилни саъй қилинг билгали, ёшлар –
Ким, илму ҳунарлар ривожи андин аёндур.**

Мамлакатимизда чет тилларини ўқитадиган бир нечта алоҳида таълим муассасалари, аксар университетларда махсус факультетлар фаолият юритади. Уларни ташкил этишдан кўзланган мақсад Ўзбекистонни, ўзбекини, унинг маданияти ва интеллектуал салоҳиятини бутун дунёда уларнинг ўз тилида тарғиб этадиган, миллий ахлоқни ва маънавиятни намён қиладиган етук мутахассислар тайёрлаш экани сир эмас. Савол туғилади: улар шу вазифани бажара олаптими? Қайси тилни ўрганаётган бўлса, ички дунёсию руҳиятини ҳам, ҳатто ташқи қиёфасини ҳам ўша халққа ўхшатишга зўр бераётган ёшларни кўрганда, тўғриси, қалбимда оғриқ сезаман. Бу тоифа ўша халқ наздида бундай “ксеронуска”лар ҳасчалик ҳам қимматга эга эмаслигини, наҳотки, билмасми?! “Аслият”нинг қиммати баландроқ эканини англаш учун жуда кўп фаросат керакми? Бу каби саволлар фақат миллат ойдинларини эмас, бутун жамиятни ўйлантириши, ташвишга солиши керак.

Сўзимиз аввалида тилга олинган Саидризо Ализода-нинг “Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар” сарлавҳали мақоласида бундан бир юзу ўн йил муқаддам мана бундай сўзлар ёзилган эди: “Ушбу Туркистонимизда қайси бир рус, ё қайси бир арман ўз тилини қўйиб бир-бири ила туркча сўйлайдилар. Аммо бизнинг сўзлашганимиз вақтда ҳар бир жумлада бир қалима рус сўзи эшитилур. Масалан: “Манго бир оз помогат қилинг”, “Они мунча иштариф қилдилар”, “Фалон одамнинг дўкони печат қилинди”. Ваҳоланки, бул сўзлар ҳаммаси мусулмонча адо бўлина олур. Масалан, помогат – ёрдам, иштариф – жарима, печат – муҳр... Агарда тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий лугат ва сўзларни қўшаберсак, бир оз замонда тил ва миллатимизни йўқотуримиз. Миллатимизни йўқотганда, диёнати-миз ўз-ўзи ила албатта йўқолур”. Кошқийди, бу сўзлар қачон ёзилганини билмасам... Муаллиф айтган муаммолар ҳозирги пайтда ҳам айни ўша даврдаги каби долзарб. Миллий руҳ, миллатга ҳурмат кучли бўлмаса, бундай муаммолар юз кўрсатаверар экан-да...

Албатта, бу каби муаммолар фикрлайдиган, бефарқ бўлмаган ҳар бир одамни ўйлантириши зарур. Агар бутун жамият бирлашса, ечимлайдиган масала қолмаслиги аён. Бунинг учун жадид боболаримизнинг “Тилда, фикрда, ишда бирлик” ғоясига амал қилмоқ зарур.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ЯНГИ НАШР



“ЖАДИД”НИНГ ИЛК СОНИНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Газета лотин ва кирилл алифболарида чоп этилди. Жами адади 17 156 нусха. Шундан, лотин ёзувидагиси 12 356, кирилл ёзувидагиси 4800 нусхада нашр этилди.

Ушбу газета Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси негизда ташкил этилди. Нашр муассислари — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Миллий масс-медиа қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди ҳисобланади.

Газетанинг илк нишона сониде Давлатимиз раҳбарининг халқимизга Янги йил табриги, Президентимизнинг “Жадид” газетаси жамоаси ва муштарийларига йўллаган тилаги, шу йилнинг 22-декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги Президентимиз нутқидан иқтибослар, шунингдек, “Давр руҳи”, “Ойна”, “Жамият”, “Фикр майдони”, “Тамaddon”, “Боқий мерос” сингари саҳифаларида халқимизнинг таниқли зиёлилари бўлган Иброҳим Гафуров, Ҳамидулла Болтабоев, Баҳоидир Каримов, Олимжон Давлатов, Хуршида Қўчқорова, Шаҳноза Назароваларнинг ранг-баранг мақолалари, мушоадалари ўрин олган. Шубҳасизки, нашрда жадид боболаримиздан Бехудий, Авлоний, Чўлпон ва Қодирийлар ижодидан намуналар эълон қилинган. Бундан ташқари, ёш иқтидорларнинг ижод намуналарига ҳам ўрин берилган.

Уйлаймики, “Жадид” халқимиз зиёлиларининг сеvimли минбарига, ҳур фикрларга иштиёқи баланд юртдошларимизнинг энг ўқишли, қизиқарли нашрларидан бирига айланади.

М.ТЎРАЕВ



ҚУТЛОВ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ХАЛҚИМИЗНИ, БАРЧА ҲАМКАСБЛАР ВА ЁШЛАРНИ

ЯНГИ — 2024 ЙИЛ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ!

МАНА ШУ ШУКУҲЛИ ДАМЛАРДА МЕХНАТКАШ ВА

БАҒРИКЕНГ ЭЛИМИЗГА МУСТАҲКАМ СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,

ОИЛАВИЙ БАХТ, ХОНАДОНЛАРИГА ТИНЧЛИК ВА

ФАЙЗУ БАРАКА ТИЛАЙДИ.

ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

МУБОРАК БЎЛСИН!

